

## БЎЛАЖАК ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ БАРКАМОЛ АВЛОД ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИГА ОИД КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

*Очилова Шоира Абдурашитовна*

*АДУ жисмоний маданият факультети, Факультетлараро жисмоний  
маданият ва спорт кафедраси ўқитувчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини баркамол авлод таълим-тарбиясига оид касбий компетентлигини шакллантириш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини тайёрлашда шахс ва жамиятнинг таълимий эҳтиёжларини қондириш ва касбий тайёрлашни оптималлаштириш ҳақида сўз юритилган.

**Калит сўзлар:** спорт, жисмоний тарбия, шахс, жамият, таълим, касбий тайёрлаш, оптималлаштириш, ўқитувчи, миллий маънавият.

**Abstract.** This article talks about meeting the educational needs of individuals and society and optimizing professional training in the training of future physical education teachers.

**Key words:** sport, physical education, person, society, education, professional training, optimization, teacher, national spirituality.

**Абстракт.** В данной статье говорится об удовлетворении образовательных потребностей личности и общества и оптимизации профессиональной подготовки при подготовке будущих учителей физической культуры.

**Ключевые слова:** спорт, физическое воспитание, человек, общество, воспитание, профессиональная подготовка, оптимизация, педагог, национальная духовность.

Ёш авлодга таълим бераётган ўқитувчилар бугунги кунда ўзлари замонавий таълим-тарбия сирларидан воқиф бўлишлари, инновацион технологияларни эгаллаган, ахборот-коммуникация воситаларидан оқилана фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишлари талаб этилади. Шу жиҳатдан олганда, кўйидаги ҳолатлар инновацион технологияларни таълим-тарбия жараёнига татбиқ этиш, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси фаолиятининг мазмуни ва мақсадини янгича қуришга талаб кучайганлигини билдиради:

– биринчидан, мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиши билан буюк маънавиятимизни тиклаш, соғлом турмуш тарзини барча фуқаролар, энг аввало, ёшларга сингдириш давлатимиз сиёсатида устувор йўналиш қилиб белгиланиши, ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларидаги каби узлуксиз таълим тизими нинг барча босқичларида фаолият юритаётган ўқитувчиларни замон талаблари ва жаҳон андозалари асосида тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, улар тарбиялаётган ёшларда жисмоний сифатлар, юксак маънавий маданият, ахлоқ ва маърифат фазилатларини шакллантириш ва сингдириш муаммоларининг ечимини давр тақозо этиши;

– иккинчидан, давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири – маънавий жиҳатдан баркамол, жисмоний ва руҳий жиҳатдан соғлом, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш учун жисмонан чиниққан, фидойи инсонни тарбиялаш, таълим ва маориф тизимини такомиллаштириш, миллий истиқлол ғояси асосида маънавий ва руҳий жиҳатдан янги авлодни вояга етказишга ижтимоий зарурат туғилиши;

– учинчидан, миллий маънавиятимизни тиклаш борасида олиб борилган, давом этаётган ишлар, халқ таълимининг тубдан ислоҳ қилинаётгани жамиятимизда ҳар томонлама баркамол, соғлом авлод тарбиясига кенг катта эътибор қаратилиши тенденциясининг кучайиши;

– тўртинчидан, универсал технологиялар билан боғлиқ глобаллашув жараёнида узлуксиз таълим тизимида жисмоний тарбияни ўқитишда замонавий педагогик технологиялар, инновацион ёндашувлар асосида талқин қилинишига ижтимоий зарурат туғилиши.

Жисмоний тарбияга эътиборнинг кучайганлигини уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада» каби спорт мусобақаларининг ташкил этилганлиги ва мунтазам ўтказилиб келинаётганлигида, ёки спортнинг кўплаб турлари бўйича Ўзбекистондан Олимпиада ва жаҳон чемпионлари етишиб чиқиб, мамлакатимиз довуғини бутун дунёга тараннум этишида ҳам кўриш мумкин. Бундан ташқари, барча мактаб ва маҳаллаларда ҳам турли спорт мусобақалари ташкил этилмоқда, оилавий мусобақаларни ўтказиш йўлга қўйилиб борилмоқда.

Жисмоний тарбия – соф спорт мусобақаларидан иборат бўлган жараёнгина эмас, балки ушбу тарбия орқали ёшларда ахлоқийиродавий хислат ва фазилатлар таркиб топтирилишидир. Жисмоний машқларни бажариш давомида ёшларда ирода, тезлик, чаққонлик, чидамлилиқ тарбияланади, уларнинг соғлиги мустаҳкамланади, иш қобилиятлари, ақлий фаоллиги оширилади, жасурлик, ҳалоллик, қатъийлик, мустақиллик каби ахлоқий хулқ меъёрлари таркиб топади, етуклик сари қадам ташланади. Жисмоний тарбия дарсларида ўқитувчи ҳар томонлама етук: чиниққан, соф фикрли, мард, саботли, қатъиятли, келажакда Ватанни ҳимоя қила оладиган шахсларни камол топтиришни ўз олдига мақсад қилиб қўяди.

Шу нуқтаи назардан, бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчиларининг фаолиятини инновацион ташкил қилиш, таълим-тарбия мазмунини янгилаш ва бойитиш муҳим аҳамият касб этади. Таълим жараёнини ривожлантириш билан биргаликда ҳозирги кун талаблари олдида турган долзарб масала – бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларини назарий ва амалий жиҳатдан инновацион фаолиятга тайёрлаш, ёш авлодни жисмонан тарбиялашда самарадорликка эришишдир. Зеро, фақат жисмонан баркамол, соғлом шахсгина ўзининг интеллектуал, маънавий имкониятларини тўлақонли намоён этиш имкониятига эга бўлади.

Шу маънода мамлакатимизда жисмоний тарбия тизимининг тарихий тажрибаларини қиёсий-таҳлилий ўрганиш, амалий тажрибаларини танқидий

мушоҳада қилиш асосида умумлаштириш, жисмоний тарбия ўқитувчиларининг инновацион фаолиятини тўғри ташкил қилиш, унинг истиқболли стратегиясини аниқлаш имконини беради. Бунинг учун мақсадли педагогик тадқиқотларни амалга ошириш зарурати келиб чиқади.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиларига жисмоний тарбия мазмунини илмий асосда ўргатиш, унинг ташкилий ва технологик асосларини модернизациялаш, келажақда ривожланиш тенденцияларини ишлаб чиқиш педагогика фани олдида турган долзарб масалалардан биридир. Бунда инновацион фаолиятнинг мақсади жамият томонидан белгиланиши ҳамда унинг натижаси жамият манфаатлари билан боғлиқлиги, ёшларни ижтимоий муносабатлар томон йўллаши, ижтимоий тажриба орттириш учун инсондаги табиий имкониятларни рўёбга чиқаришга замин яратади.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг инновацион фаолиятининг асосий белгилари қуйидагиларда ўз ифодасини топади:

- 1) ижодий фаолият фалсафасини жисмоний тарбия концепциялари билан уйғунлаштириш;
- 2) педагогик тадқиқот методларини эгаллаш;
- 3) муаллифлик концепцияларини яратиш қобилияти;
- 4) тажриба-синов ишларини режалаштириш ва амалга ошира олиш;
- 5) ўзидан бошқа тадқиқотчи-педагоглар тажрибаларини қўллаш олиш;
- 6) ҳамкасблар билан ҳамкорлик;
- 7) фикр алмашиш ва методик ёрдам кўрсата олишлик;
- 8) зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;
- 9) янгиликларни жисмоний тарбия дарсларига татбиқ этиш, уларни ўз шароитига мослаштира олиш.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда педагогик технологияларни яратиш заруратининг ошиши, педагогик (таълим, тарбия) жараёнда ўқувчи фаолиятини бошқариш учун лойиҳаланган жисмоний тарбия дарсларининг баркамол шахс тарбиясига йўналтирилиши билан узвий боғлиқликда амалга оширилади. Инновацион фаолият ўқитувчининг ҳамма муваффақиятини белгилловчи асосий фаолият бўлиб, у шахснинг касбий, методик маҳоратини сифатли қайта куриш демакдир. Ўқитувчиларнинг инновацион фаолиятга тайёргарлиги уч босқичда амалга оширилади:

- янгиликни педагогик фаолиятда қўллашдан олдинги даврдаги ўқитувчи фаолиятини таҳлил қилиш;
- инновацион фаолиятнинг фаол шаклланиш даврини таҳлил қилиш;
- педагогик жараёнга янгилик киритилиб бўлгандан кейинги даврдаги фаолиятни таҳлил қилиш.

Жисмоний тарбия ўқитувчисининг инновацион фаолияти – ижодий ёндашув, ижодий фаоллик, янгиликни киритишга технологик ва методологик тайёргарлик, янгича фикрлаш, муомала маданиятида намоён бўлади.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашдан мақсад – ўқитувчининг янгиликка интилувчанлиги, ўз устида мустақил ишлаш кўникмаси ва малакасини шакллантириш, замонавий педагогик технологиялар, интерфаол методлардан фойдаланиб, дарс ва дарсдан ташқари машғулотларни ўтказиш малакасини такомиллаштиришдан иборат.

Жисмоний тарбия ўқитувчиларини инновацион фаолиятга тайёрлашда қуйидаги йўналишлар инobatга олинади:

- янгиликни идрок қилишга инновацион тайёргарлик;
- бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчиларининг Давлат таълим стандартлари (ДТС)да кўрсатилган ўқувчиларнинг эгаллаши лозим бўлган минимал талабларни уларда шакллантириш ва ривожлантиришга қаратилган фаолиятга ижодий ёндашишга ўргатиш;

- ижодкорликка асосланган фаолиятни ташкил қилиш.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлаш қуйидагича кечади:

- мўлжалланган янгиликни ялпи ва унинг алоҳида босқичлари муваффақиятини башорат қилиш;

- янгиликни бошқа инновациялар билан қиёслаш, улардан самарадорини танлаб олиш, уларнинг энг аҳамиятлиси ва аниқлик даражасини аниқлаш;

- янгиликни татбиқ этишнинг муваффақиятлилик даражасини текшириш;

- янгиликни татбиқ этадиган ташкилотнинг инновацион қобилиятига баҳо бериш.

Жисмоний тарбия ўқитувчисининг инновацион фаолияти натижасида ўқувчиларнинг жисмоний тайёрлиги, индивидуал-психологик хусусиятлари, уларнинг мотивлар соҳаси атрофлича ўрганилиб чиқилади, мактаб ва синфдан ташқари тадбирларда жисмоний чиниқишга мўлжалланган узлуксиз дидактик тизимни таъминлайдиган методик мажмуалар яратилади; турли мусобақалар, соғлом турмуш тарзини реклама қилувчи тарбиявий тадбирлар: суҳбатлар, кечалар, спорт-шоулар уюштирилиб, ўқувчиларнинг спорт турларига қизиқишлари инobatга олинади, спорт тўғарақларига жалб қилинади, таҳсил олувчиларнинг жисмоний, руҳий ҳамда интеллектуал қобилиятлари ўстирилади; оиладаги, синф ва мактабдаги педагогик ҳамда психологик муҳит атрофлича ўрганилиб, уларнинг ҳамкорлиги ривожлантирилади.

Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда қуйидаги асосий функциялар амалга оширилади:

- бўлажак касбий фаолиятга онгли ёндашув таҳлили;
- меъёрларга нисбатан танқидий ёндашув;
- касбий янгиликларга нисбатан иштиёқмандлик;
- ижодкорликни шакллантириш;
- ўз имкониятларини рўёбга чиқариш, соғлом турмуш тарзи ва интилишларини касбий фаолиятида мужассам этиш.

Демак, жисмоний тарбия ўқитувчиси инновацион фаолиятда янги педагогик технологиялар, назариялар, концепцияларнинг муаллифи, ишлаб чиқарувчиси, тадқиқотчиси, фойдаланувчиси ва тарғиботчиси сифатида намоён бўлади.

Бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлашда муайян меъёрлардан фойдаланиш талаб қилинади. Бундай меъёрлар янгилик, мақбуллик, юқори натижалилик, оммавий тажрибаларда инновацияни ижодий қўллаш имкониятларини қамраб олади. Педагогик жараёнда янгилик таълим-тарбия жараёнида кашф қилинадиган янгилик даражаси моҳиятини акс эттирса, мақбуллик ўқитувчи ва таҳсил олувчининг муайян таълимий натижаларга эришиш учун сарфланган куч ва воситалари, натижалилик эса ўқитувчи фаолиятидаги салмоқли ижобий самараларни билдиради.

Бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчиси, яъни бугунги кун талабаларини инновацион фаолиятга тайёрлашда қуйидаги жиҳатларга эътиборни қаратиши лозим:

- бакалавриатура босқичида таҳсил олаётган талабаларни ижодий-мотивацион йўналтириш, яъни уларнинг ижодий қизиқиши, муайян ютуқларга интилиши инobatга олиниши зарур;

- креативлик фазилатларини таркиб топтириш, яъни уларнинг танқидий фикрлаши, баҳо бера олиш қобилияти, мушоҳада юритиш, рефлексияга мойиллигини ўстириш;

- ўз касбий фаолиятини баҳолашга ўргатиш, яъни ижодий фаолият методологиясини эгаллаш, зиддиятни ижодий бартараф қилиш қобилияти; ижодий фаолиятда ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам бериш қобилиятини шакллантириш ва бошқалар;

- талабаларда қатъиятлилиқ, масъулиятлиқ, ҳалоллик, ҳақиқатгўйлик, ўзини тута билиш ва бошқа сифатларни ривожлантириш.

Бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлашда педагогик жамоанинг ўрни катта аҳамият касб этади. Таълим сифатини ошириш жамиятнинг барча жабҳаларида ҳаётни яхшилашга олиб келади. Янгилик киритиш таълим сифатини оширишнинг самарали воситаси бўлганлиги учун ҳам ривожланган давлатлар таълим жараёнига узлуксиз янгилик киритишга ҳаракат қиладилар. Кўпгина мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, инновацион жараёнларда таълим тизимидаги барча бўғинлар иштирок этиши лозим. Аммо инновацион жараёнлар юқоридан пастга қараб ҳаракатланса ва бунда ўқитувчи бўйсунувчи, яъни янгиликнинг фақат истеъмолчиси бўлиб қолса, у ҳолда бу жараён бюрократик тус олади.

Бўлғуси жисмоний тарбия ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлашда таълимни инсонпарварлаштириш, индивидуаллаштириш, унинг самарадорлигини ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунда таълимнинг инсонпарварлашуви шахснинг турли таълим хизматларига бўлган эҳтиёжининг қондирилиши ва таълим жараёнида инсон қобилиятининг

намоён бўлишини англатади. Таълимни индивидуаллаштириш ҳар бир таълим олувчининг индивидуал режа ва таълим дастурларига эга эканлигини ифода этади.

Шундай қилиб, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлашда узлуксиз таълим тизимида соғлом ижодий муҳитни яратиш, ўқитиш сифатини янги босқичга кўтариш, таҳсил олувчиларнинг дунёқараши, тафаккури, мустақил мушоҳада қилиш қобилиятларини ривожлантириш катта аҳамият касб этади. Инновацияларга таянган ҳолда ўқитувчилар учун янгилик ҳисобланмиш технологиялар орқали диққатни жамлаш, эркин мушоҳада юритиш, ишончли қарор қабул қилишга эришилади. Инновацион технологиялар ўқув жараёнининг мажмуавий вазифаларини ечишга йўналтирилган бўлиб, ўқитувчи ва таҳсил олувчиларнинг биргаликдаги фаолиятини ифода этади. Улар босқичма-босқич амалга оширилади. Бунда муайян метод, усул ва воситалар асосида самарали бошқариш тизими мақсадга йўналтирилади. Кафолатланган натижа – жисмоний тарбия ҳамда жисмоний ва маънавий етуклик масаласини ижобий ҳал қилишга эришилади.

Хулоса қилиб айтганда, бўлажак жисмоний тарбия ўқитувчисини инновацион фаолиятга тайёрлашда қуйидаги вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади:

1) миллий ғоя, умуммиллий қадриятларга оид тушунчаларни жисмоний тарбия дарслари таркибига сингдириш;

2) таълим ва тарбияни уйғун олиб бориш, ёшларни нафақат жисмонан, балки, маънавий, ахлоқий жиҳатдан етук шахс сифатида вояга етказиш бўйича таъсирчан педагогик чораларни белгилаш;

3) таълим муассасаларида соғлом ижодий муҳитни яратиш, таълим ва тарбия жараёнига илғор инновацион, педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш орқали ўқитиш сифатини янги босқичга кўтариш;

4) ёшларнинг дунёқараши, тафаккури, мустақил мушоҳада қилиш қобилиятларини ривожлантириш;

5) ёшларни диний-экстремистик ғоялар, турли ахборот хуружлари таъсиридан ҳимоя қилиш, уларда ватанпарварлик, юртга садоқат ва унинг тақдирига дахлдорлик туйғуларини тарбиялаш;

6) оилавий таълимга эътиборни кучайтириш, ёшларнинг қобилиятларини эрта аниқлаш ва ривожлантириш; иқтидорли ёшларнинг қобилияти ва истеъдодини аниқлаш, тарбиялаш, тўлақонли рўёбга чиқаришнинг ягона умуммиллий тизимини шакллантириш, ўқувтарбия жараёнини индивидуаллаштириш, табақалаштириш ва профиллаштиришнинг илмий асосларини яратиш;

7) мактабдан ташқари таълимнинг шакллари ва мазмунини тубдан янгилаш, ҳудудларнинг хусусиятлари, таҳсил олувчиларнинг қизиқишлари, хоҳиш-истаклари асосида билимларни ўзлаштиришга йўналтириш;

8) педагогика соҳасидаги инновациялар кўламини кенгайтириш, педагогик диагностика, ўқувчи шахсига индивидуал ёндашишга доир тадқиқотларга кенг йўл очиш, уларни ҳар томонлама кўллаб-қувватлаш механизмини жорий этиш ва бошқалар.

#### Адабиётлар

1. Усмонхўжаев Т.С., Арзуманов С.Г., Қодиров В.А. Жисмоний тарбия. – Т.: «Ўқитувчи», 2013.
2. Ашмарин Б.А. Биомеханические показатели будущих спортсменов. – М.: «Физкультура и спорт», 2014. –С. 276.
3. Верхошанский Ю.В. Программирование и организация тренировочного процесса. – М.: «Атлант», 2014. –С. 156.
4. Колтановский А.П. Подготовка квалифицированных спортсменов. – Красноярск: ИФС, 2013. –С. 76.
5. Машарипов Й. Спорт психологияси. – Самарқанд: СамДУ нашр-матбаа маркази, 2013. -98-б.
6. Маҳкамжонов К.М. Тайёрлов синфларида жисмоний тарбия дарслари. – Т.: «Ўқитувчи», 2011. -94-б.
7. Насриддинов Ф.Н., Шатерников Э.К. Инсон омилини шакллантиришда жисмоний тарбия ва спорт. – Т.: «Ўқитувчи», 2003. -102-б.
8. Семенова З.В. Новые инновационные технологии в образовании: состояние и проблемы. // «Интернет янгиликлари ахборотномаси». Т., 2012, 2-сон.
9. Ачиллов, Н. К., & Джумаева, Н. И. (2022, May). ВОПРОС ИСТОРИЧЕСКОЙ ЛИЧНОСТИ В ЭПИЧЕСКОМ ИСПОЛНЕНИИ И ЕЕ ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ. In Интеллектуальное наследие Захириддина Мухаммада Бабура и современность. Сборник статей и тезисов докладов Международной научно-практической конференции 28 февраля 2020 г. (p. 103). Litres.
10. Achilov, N. (2022). EPIC KNOWLEDGE DECLINE AND FACTORS OF THE EMERGENCE OF FAKE EPOS. Journal of Integrated Education and Research, 1(2), 192-202.
11. Achilov, N. K. (2021). ЕДИНСТВО ЭПИЧЕСКИХ СЮЖЕТОВ И ВОПРОСЫ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ТРАКТОВКИ. Theoretical & Applied Science, (4), 125-130.
12. Achilov, N. K. (2022). The image of a historical person and its epical interpretation. Open Access Repository, 8(05), 126-132.
13. Buriboyevna, M. A. (2022). METHODOLOGY OF LEARNING THE SPEECH OF STUDENTS WITH SPECIAL NEEDS IN THE CONDITIONS OF INCLUSIVE EDUCATION. Web of Scientist: International Scientific Research Journal, 3(12), 147-151.
14. Makhsadovich, Z. S. (2022). GROWTH, DEVELOPMENT AND YIELD OF COTTON DEPENDING ON POTASSIUM NUTRITION IN CONDITIONS OF SOILS OF LOWINCOME EXCHANGE POTASSIUM.

15. Maxsadovich, J. S. (2021). INFLUENCE OF LOCAL POTASSIUM FERTILIZER ON GROWTH, DEVELOPMENT AND YIELD OF COTTON VARIETIES" BUKHARA-102" AND" OMAD".
16. Khamidovna, P. O. (2023). Features of the Use of Modern Didactic Tools in Technical Higher Educational Institutions. *Telematique*, 7630-7634.
17. Khamidovna, P. O., & Khabibakhan, J. (2020). FACTORS AND TOOLS FOR THE DEVELOPMENT OF COMMUNICATION AMONG HIGHER EDUCATION STUDENTS. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences* Vol, 8(3).
18. Пўлатова, О. Х. (2022). КАСБИЙ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТНИНГ РОЛИ. *Central Asian Research Journal for Interdisciplinary Studies (CARJIS)*, 2(1), 190-195.
19. Khamidovna, P. O. (2022). Pedagogical Mechanisms for the Development of a Culture of Communication Between Students of Technical Universities. *Eurasian Journal of Learning and Academic Teaching*, 15, 29-33.
20. Aminjanovna, R. N. (2022). EMOTIONAL STATES OF THE PERSON. *Conferencea*, 190-192.
21. Aminjonovna, R. N. (2022). О 'SMIRLIK DAVRIDA EMOTSIONAL HOLATLAR TURLARI. *World scientific research journal*, 2(1), 105-109.
22. kizi Yunusova, H. R., & Ahmedova, M. A. (2022). THE CASE OF MULTIPLE AUXILIARY VERBS IN THE ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES. *International Academic Research Journal Impact Factor 7.4*, 1(5), 5-8.
23. Khadimatovna, A. M. (2022). Psycholinguistic Features Of Slang Vocabulary In The National Language. *Eurasian Scientific Herald*, 7, 205-208.
24. Urazalieva, M. (2022). THE ROLE OF JARGONS IN THE WORLD OF BUSINESS. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(4), 619-624.
25. Ахмедова, М. Х. (2022). ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ТААЛЛУҚЛИ ЖАРГОНЛАРНИНГ ПСИХОЛИНГВИСТИК ТАҲЛИЛИ. *INTEGRATION OF SCIENCE, EDUCATION AND PRACTICE. SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL*, 3(3), 85-89.
26. Khodimatovna, A. M. (2021). Psycholinguistic features not literary words. *Linguistics and Culture Review*, 5(S2), 1115-1121.
27. Ахмедова, М. Х. (2021). ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГ НУТҚИ. *Academic research in educational sciences*, 2(CSPI conference 1), 1209-1213.
28. Rustamovna, P. M. (2022, December). Infectious Diseases of the Nervous System In Children And Its Complications. In *Conference Zone* (pp. 168-174).
29. Po'latxo'jayeva, M. R. Defektologiyaning klinik asoslari. О 'quv qo 'llanma. T., TDPU–2013.

30. Po'Latkhodjaeva, M. R. (2022). Effective Ways of Rehabilitation Work with Children with Cochlear Implants. *Spectrum Journal of Innovation, Reforms and Development*, 9, 479-481.
31. Пўлатхўжаева, М. Р. (2021). БОЛАЛИК ДАВРИДА УЧРАЙДИГАН БОШ МИЯ ЖАРОҲАТЛАРИ ВА УНИНГ АСОРАТЛАРИ. *Academic research in educational sciences*, 2(10), 1124-1128.
32. Abdurakhmanovna, M. D. (2022). SPECIFIC FEATURES OF FINE MOTOR SKILLS IN PRESCHOOL CHILDREN WITH MENTAL RETARDATION. *Web of Scientist: International Scientific Research Journal*, 3(5), 135-139.
33. Musayeva, D. A. (2019). Family and School Interaction in Educating Children with Hearing Impairment. *Eastern European Scientific Journal*, (1).
34. Khamidovna, P. O. (2023). Features of the Use of Modern Didactic Tools in Technical Higher Educational Institutions. *Telematique*, 7630-7634.
35. Khamidovna P. O. The mechanism of developing a culture of communication in students in the educational process //JCR. – 2020. – Т. 7. – №. 12. – С. 3096-3103.
36. Xaboxunova, R. (2021). QO'QON ADABIY MUHITI IJODKORLARI HAQIDA. QO'QON ADABIY MUHITI AZIZ QAYUMOV TALQINIDA. *Scienceweb academic papers collection*.
37. Khabokhunova, R. (2014). ABOUT STUDYING HISTORY OF THE KUKAN ENVIRONMENT. *Paradigmata poznani*, (2), 85-89.
38. Хабохунова, Р. Ш. (2013). О разновидности мушаира (поэтическое состязание), свойственной Кокандской литературной среде. *Познание стран мира: история, культура, достижения*, (2), 78-81.
39. XABAXUNOVA, R. ÖZBEK KLASİK EDEBİYATININ ARAŞTIRILMASINDA HERMENEUTİK TEMELLERİ ÜZERİNE BİR YAKLAŞIM. *Folklor Akademi Dergisi*, 2(3), 556-562.
40. Elmurodov, S., Tajibaev, J., Matniyazov, Z., Ikromova, M., & Meliboeva, G. (2022). Methods of Correct Placement of Counters and Information Boards in Historical Monuments. *Journal of Architectural Design*, 13, 43-49.
41. Murodovna, I. M. (2022). EXPERIENCE OF WORLD COUNTRIES IN ANALYSIS AND SOLUTIONS OF THE PROBLEMS IN THE DOMESTIC TERRITORIES OF MICRO-COUNTRIES. *Open Access Repository*, 8(12), 675-683.
42. Murodovna, I. M. (2022). O'ZBEKISTON HUDUDIDA TURIZMNI RIVOJLANTIRISHDA TURISTIK KOMPLEKSLARNING O'RNİ. *Conferencea*, 23-25.
43. Эралиев, А. А. (2022). РОЛЬ ЖЕНЩИН-ДЕВУШЕК В РАЗВИТИИ МАЛОГО БИЗНЕСА. *Новости образования: исследование в XXI веке*, 1(5), 1024-1030.

44. Эралиев, А. (2022). Актуальные вопросы при организации современного производства на промышленных предприятиях. Scientific Collection «InterConf», (128), 34-39.
45. Эралиев, А. (2022). ПОВЫШЕНИЕ БЛАГОСОСТОЯНИЕ НАСЕЛЕНИЯ В ПОСТПАНДЕМИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ ЗА СЧЁТ РАЗВИТИЯ МАЛОГО БИЗНЕСА И ЧАСТНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА. InterConf.
46. Эралиев, А. А. (2022). ПОВЫШЕНИЕ РОЛИ МОТИВИРУЮЩИХ ФАКТОРОВ В ОБЕСПЕЧЕНИИ ВЫПОЛНЕНИЯ ПРОИЗВОДСТВЕННЫХ ПОКАЗАТЕЛЕЙ НА ПРЕДПРИЯТИЯХ. In Colloquium-journal (No. 5 (128), pp. 17-19). Голопристанський міськрайонний центр зайнятості.
47. Эралиев, А. А. (2022). Значение качества продукции для строительных организаций и вопросы его повышения. Процветание науки, (2 (8)), 3-10.
48. Эралиев, А. А. (2021). РОЛЬ РУКОВОДИТЕЛЕЙ В ФОРМИРОВАНИИ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ КОРПОРАТИВНОЙ КУЛЬТУРЫ ПРЕДПРИЯТИЙ. Вестник науки и образования, (7-1 (110)), 47-50.
49. Эрматов, А. А., & Эралиев, А. А. (2021). ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ УПРАВЛЕНИЯ ЗА СЧЕТ ВОВЛЕЧЕНИЯ СОТРУДНИКОВ В УПРАВЛЕНИЕ ПРЕДПРИЯТИЯМИ. Вестник науки и образования, (12-1 (115)), 72-75.
50. Эралиев, А. А. (2021). ЗНАЧЕНИЕ СТРУКТУРЫ УПРАВЛЕНИЯ В ПОВЫШЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРОМЫШЛЕННЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ. Научный журнал, (3 (58)), 47-49.
51. Shamshidinovich, K. J. (2022). Interaction Of Distance Education Processes to General Secondary Schools. Journal of Pedagogical Inventions and Practices, 8, 72-75.
52. Kazimov, J. S. (2020). ORGANIZATION AND MANAGEMENT OF EDUCATIONAL PROCESSES IN MODERN SCHOOLS ON A SCIENTIFIC BASIS. In Humanities and Social Sciences in Europe: Achievements and Perspectives (pp. 14-19).
53. Kazimov, J. S. (2020). CONTENTS OF THE PROCESS OF PREPARATION AND TRAINING OF TEACHERS OF GENERAL EDUCAT
54. Shamahiddinovich, K. J. (2019). ORGANIZATION AND MANAGEMENT OF INNOVATION PROCESSES IN GENERAL SECONDARY EDUCATION INSTITUTIONS. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol, 7(3).
55. Казимов, Ж. Ш. (2019). Современный подход к качеству и эффективности учебно-воспитательных процессов в общеобразовательных школах. Евразийское Научное Объединение, (2-4), 230-232.

56. Казимов, Ж. Ш. (2019). Перспектива каждого общества определяется его неотъемлемой частью и тем, насколько жизненно важна система образования. In Научные тенденции: Педагогика и психология (pp. 33-35).
57. Охунув, И. И., Левкович, М. Г., Абдуллаев, Н. Д., Хужаев, В. У., & Арипова, С. Ф. (2011). Алкалоиды *Crambe kotschyana* флоры Узбекистана. Химия природ. соедин, (3), 431-432.
58. Okhunov, I. I., Vobakulov, K. M., Aripova, S. F., Abdullaev, N. D., & Khuzhaev, V. U. (2012). Component composition of *Crambe orientalis*. *Chemistry of Natural Compounds*, 47(6), 1018-1019.
59. Tseomashko, N. E., Terent'eva, E. O., Kodirova, D. B., Okhunov, I. I., Aripova, S. F., Khashimova, Z. S., & Azimova, S. S. (2013). Synthesis of convolinine and cytotoxic activity of alkaloids of the genus *Convolvulus* and their derivatives. *Chemistry of Natural Compounds*, 48(6), 1039-1041.
60. Okhunov, I. I., Aripova, S. F., Bobakulov, K. M., Abdullaev, N. D., & Khuzhaev, V. U. (2011). Alkaloids and other low-molecular-weight metabolites from *Crambe kotschyana*. *Chemistry of Natural Compounds*, 47(4), 671-673.
61. Okhunov, I. I., Mirzaev, Y. R., Bobakulov, K. M., Abdullaev, N. D., & Aripova, S. F. (2016). Constituents of *Convolvulus fruticosus* and Pharmacological Activity of the Main Alkaloid Cuscohygrine. *Chemistry of Natural Compounds*, 52(3), 558-559.
62. Okhunov, I. I., Levkovich, M. G., & Aripova, S. F. (2013). Crambain, a new alkaloid from plants of the genus *Crambe*. *Chemistry of Natural Compounds*, 49(2), 320-322.
63. Okhunov, I. I., Levkovich, M. G., Turgunov, K. K., & Aripova, S. F. (2016). 5-hydroxy-4, 5-Dihydrooxazole-2-Thiol and Cyclic Sulfur from *Crambe kotschyana*. *Chemistry of Natural Compounds*, 52(1), 186-187.
64. Berdiyeva, G. (2022, September). " FINE ART" IS A CREATIVE PRODUCT FOR CHILDREN IN NEED OF SPECIAL HELP. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 124-127).
65. Ayupova, M. Y., & Amirsaidova, S. M. (2018). Meaning of Speech in Mental Development of Child. *Eastern European Scientific Journal*, (2).
66. Abidova, N. Z. (2022, December). CHARACTERISTICS OF PROFESSIONAL-PEDAGOGICAL ACTIVITY DEVELOPMENT IN THE CONDITIONS OF INCLUSIVE EDUCATION. In Conference Zone (pp. 665-671).
67. Abidova, N. Z., & Mansurova, D. (2022, December). PROBLEMS OF RELATIONSHIP OF THE VALUES OF TEACHERS AND THEIR READINESS FOR INCLUSIVE EDUCATION. In Conference Zone (pp. 672-677).

68. Abidova, N. (2022). Problems of Preparing Future Defecttologists to Work in the Conditions of Inclusive Education. *Journal of Pharmaceutical Negative Results*, 2505-2511.
69. Abidova, N. Z., & Shukuralieva, N. S. (2022). CURRENT STATUS OF STUDYING THE PROBLEM OF COMMUNICATION IN CHILDREN WITH CEREBRAL PALSY. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 4(11), 35-40.
70. Abidova, N. Z., & Кахарова, М. М. (2022). DEVELOPMENT OF SOUND PRONUNCIATION OF SPEECH IN CHILDREN WITH EXPRESSIVE ALIA. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, 4(11), 28-34.
71. Абидова, Н. З., & Утбасарова, У. М. (2022). МАКТАБ ЁШИДАГИ ДИЗАРТРИЯ НУТҚ НУҚСОНЛИ ЎҚУВЧИЛАР БИЛАН ЛОГОПЕДИК ИШНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ВА НУТҚИНИ ДАВОЛОВЧИ ФОНЕТИК РИТМЛАШ ОРҚАЛИ ҚАЙТА ҚУРИШ. *PEDAGOGS jurnali*, 5(1), 78-84.